

Ботиров А.А.,

Тошкент молия институти «Пенсия иши»
кафедраси мудири, иқтисод фанлари
номзоди, доцент;

Аметова Ф.Р.,

Тошкент молия институти «Пенсия иши»
мутахассислиги магистранти

ҒАЗНАЧИЛИК ШАРОИТИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**БОТИРОВ А.А., АМЕТОВА Ф.Р. ҒАЗНАЧИЛИК ШАРОИТИДА ПЕНСИЯ
ТАЪМИНОТИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мазкур мақолада ғазначилик шароитида пенсия таъминоти маблағларидан фойдаланишнинг амалий механизми, уларни самарали йўналтириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини ташкил қилиш орқали маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш йўналишлари ўрганилган.

Таянч иборалар: ғазначилик тизими, давлат мақсадли жамғармалари, молиявий назорат, ижтимоий сиёsat, пенсия таъминоти, ягона ижтимоий тўлов, суғурта, мажбурий ажратмалар, Ягона ғазначилик рақами.

**БОТИРОВ А.А., АМЕТОВА Ф.Р. ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СРЕДСТВ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В УСЛОВИЯХ
КАЗНАЧЕЙСТВА**

В данной статье анализируется практический механизм использования фондов пенсионной системы и проблем эффективного направления их казначейством. Кроме того, изучены направления контроля целевого использования средств путем организации системы казначейства в республике Узбекистан.

Ключевые слова: казначейство, государственные фонды, финансовый контроль, социальная политика, пенсионная система, единый социальный платеж, страхование, обязательные взносы, Единый казначейский счет.

BOTIROV A.A., AMETOVA F.R. WAYS OF IMPROVING THE EFFICIENCY OF USING PENSION FUNDS IN THE TREASURY

This article includes practical mechanism of using pension system funds and the issues of effective directing them by the treasury. Similarly, there are studied the purposeful control of spending by organizing the treasury in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: treasury, state funds, financial control, social policy, pension system, single social payment, insurance, mandatory contributions, Treasury single account.

Мамлакатимизда ғазначилик тизимини ривожлантириш, давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бугунги кунимизнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Бир қатор ривожланган мамлакатларда давлат бюджетини самарали бошқариш асосан ғазначилик тизими орқали олиб борилади.

Давлат бюджети тизимининг янги механизмини амалиётга татбиқ этиш ҳамда уни ривожлантириш масалалари ҳозирда давлат бюджети ислоҳотларининг улкан йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки давлат бюджетини самарали бошқариш зарурияти бюджет маблағларидан тўғри фойдаланиш ҳамда уни мақсадли йўналтириш шарт-шароитларини кучайтиришни талаб этади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари маблағларидан оқилона фойдаланиш, давлат дастурларини молиявий таъминлаш ва назоратни ўрнатиша ғазначилик тизимисиз самарага эришиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда амалда қўлланилаётган ғазначилик тизимининг ягона ҳисоб рақами барча пуллик операцияларни амалга оширишда қўлланилади, марказлаштирилган бухгалтерия назоратини юритади.

Иқтисодиётни барқарорлаштиришда ижтимоий соҳа маблағларининг кучли назорати ҳам муҳим дастаклардан бири ҳисобланади. Давлат Пенсия таъминоти тизимини самарали бошқариш ва ривожлантиришни таъминловчи иқтисодий рағбатлантириш механизмла-

ри такомиллаштирилмоқда. Бу борада ғазначилик тизими асосий аҳамият касб этади.

Ижтимоий сиёsatда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларни ўз навбатида, тўлиқ пенсия ва нафақа маблағлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда ғазначилик тизими назорати зарур воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ғазначилик тизимини жорий қилиш билан бирга бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-594-сонли қарорига мувофиқ, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ташкил қилиниши¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-594-сонли қарорига мувофиқ	Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Бутун республика бўйича бюджет ташкилотларининг барча бюджет ҳисоб рақамлари ғазначилик ижроси билан қамраб олинди.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишину мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1005-сонли қарори асосида	Молия вазирлиги Ғазначилигига Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги мурувват ёрдами ва техникавий кўмаклашиш воситаларининг тўлиқ ҳамда тизимли ҳисоб-китобини юритиш вазифаси юклатилди.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сонли қарори асосида	Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари ва харажатлари ғазначилик ижроси билан қамраб олинди.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сонли қарори асосида	2010 йилдан бошлаб божхона тўловлари бўйича тушумлар ғазначилик ҳисобварагига ўтказилиши йўлга қўйилди. Вазирликлар ва идораларнинг барча бюджетдан ташқари жамғармалари, шу жумладан, бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармалари маблағларига нисбатан Давлат бюджетининг ғазна ижроси тартиби жорий этилди.

Ғазначилик тизимининг жорий этилиши қуйидаги камчиликларни бартараф қиласди:

- айрим бюджетларда ҳосил бўладиган вақтинчалик касса узилишларини тезкор тартибга солиш учун ягона ғазначилик ҳисоб рақами орқали маблағларни ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш, барча даражадаги бюджет маблағларининг жипслаштан бошқарувини таъминлаш;
- бюджет ташкилотлари томонидан (ғазначилик органлари олдида) амалга оширилган харажатларнинг аниқлигини тасдиқлаш (счёт-фактуралар, юк хатлари, шартномаларнинг мавжудлиги, товарлар, ишлар ва хизматлар меъёрларига риоя этилиши) механизмини жорий этиш йўли билан ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш

устидан олдиндан ва жорий моддалар бўйича назоратни ўрнатиш;

- бюджет ташкилотларининг харажатларини бюджет маблағларини тасарруф этувчилар, шу жумладан, вазирликлар ва идораларнинг банк ҳисоб рақамларини четлаб ўтган ҳолда, товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб берувчиларининг бевосита ўзларига тўлаш;

- бюджет маблағларини олувчилар харажатларининг ўз вақтида ва асосли тарзда тўланишини таъминлаш ҳамда бюджет ҳисоб рақамларидағи фойдаланилмаётган маблағларнинг сурункали туриб қолишига барҳам бериш;

- барча даражадаги бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ва уларни тақдим этиш муддатларини қисқартириш имконини беради.

¹ www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси миллий Қонунчилик базаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Жамият ривожининг маълум босқичларида мамлакатда турли мақсадларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича турли фондлар ташкил этилди ва бу иқтисодиётнинг кам ривожланган тармоғининг тараққиётига ўзининг жуда катта самарасини қўшди. Жамғариб бориладиган Пенсия жамғармасини бошқаришнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига ўтказилиши иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш шароитида мақсадли жамғармаларни йирик инвесторлар сифатида мамлакат иқтисодиётни сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатишига ёрдам беради¹.

Ғазначилик тизими ташкил қилинган дастлабки йилларданоқ ўзини тўлиқ оқлади, дейиш мумкин. Чунки айнан ғазначилик тизими жорий этилганидан кейин бюджет маблағларининг самарали сарфланишига эришилди, уларнинг устидан назоратнинг самарали олиб борилиши таъминланди. Ғазначилиқда ҳар бир харажат ўзининг лимитига эга ва ҳар бир мақсадли фонд белгилангандан ортиқ миқдорда харажат қила олмайди. Бу эса ўз навбатида маблағларни тақсимлаш жараёнининг янада самарали бўлишига олиб келади, ўз навбатида, фондга келиб тушаётган маблағлар ҳам тўлиқ назоратда туради.

Маълумки, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бири бу пенсионерлардир. Пенсия таъминотининг ижтимоий нуқтаи назардан муҳимлиги унинг ҳозирги кунда республикамиз фуқароларининг иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Ижтимоий сиёсатда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилишнинг асосий сабаби ҳам фуқароларнинг пенсия таъ-

минотига оид мажбуриятларни бажариш учун давлатда молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимида вужудга келаётган муаммолар пенсия тизимини молиялаштиришни такомиллаштириб борища янги қонунчилик асосларини яратиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш орқали республика солиқ идоралари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, суғурта бадаллари ва тўловларини йиғиши, уларни ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини назорат қиласи. Ҳозирги кунда пенсия таъминоти маблағларини шакллантириш ва самарали фойдаланиш йўлида ҳўжалик юритувчи шахсларга ва фуқароларимизга қонун томонидан бир қатор енгилликлар яратилмоқда. Хусусан, 2015 йил 1 январдан эътиборан, микрофирма, кичик корхона ва фермер ҳўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15% миқдорида белгиланди. Шу жумладан, ушбу тўловнинг 14,8%и Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади (2-жадвал).

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг самарали бошқарилиши, қолдиқ маблағлардан оқилона фойдаланиши йўлга қўйиш борасида қонунчиликда бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда тегишли ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва ундиришдан ташқари, ушбу суммани манфаатдор томонлар ўртасида тақсимлаш ва ундан қонунларда назарда тутилган пенсия, нафақа ва тўловларни амалга ошириш масалаларини ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2011 йил 9 сентябрда 2262-сон билан рўйхатга олинган қарор билан иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2015, 5

¹ Қосимова Г. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2013. –372-б.

2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар минкдори¹

	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Мажбурий тўловлар ва бадаллар											
Ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар	30,0%	24,2%	23,6%	23,6%	23,6%	24,8%	24,8%	24,8%	24,8%	24,8%	24,8%
Шу жумладан, микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун	–	–	–	–	–	–	–	–	–	–	14,8%
Фуқароларнинг ижтиомий сутурга бадаллари	2,5%	2,5%	2,5%	2,5%	3,5%	4,0%	4,5%	5,5%	6,0%	6,5%	7,0%
Товар реализацияси (ишлар ва хизматлар) ҳажмидан мажбурий ажратмалар	0,7%	0,7%	0,7%	1,0%	1,0%	1,5%	1,6%	1,6%	1,6%	1,6%	1,6%

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йилдаги 610-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005–2014 йиллардаги ПК-244, ПК-532, ПК-744, ПК-1024, ПК-1245, ПК-1449, ПК-1675, ПК-1887, ПК-2099, ПК-2270-сонли қарорлари асосида тайёрланди.

«Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом» қабул қилинди. Ушбу Низом 6 бўлим, 11 та иловадан иборат бўлиб, унинг иккинчи бўлимига асосан, ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмаларнинг бир қисми кўринишидаги тегишли баланс ҳисобварақларининг шартли ҳисобварақлар рақамига келиб тушган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан тўлов топшириқномаси асосида тегишли ғазначилик ҳисобварағини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг Ягона ғазначилик рақамига ўтказилади ҳамда қўйидаги тартибда фойдаланилади:

- Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг тегишли бюджет ҳисобварағини кўрсатган ҳолда Ягона ғазначилик рақамига ўтказилган жами маблағларнинг 70 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бosh бошқармалари тасарруфида қолади;
- 30 фоизи ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг тўлов ҳужжатлари орқали пул ўтказиш йўли билан республика даражасида марказлаштирилади.

Юридик шахсларга молиялаштирилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар масъул ходим томонидан Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмасининг белгиси қўйилган тўлов ҳужжатларига асосан Пенсия жамғармаси компьютер маълумотлар базасига киритилади, шунингдек, маблағлар қолдиғи, кирим ва чиқимининг ҳисоби юритилади.

Ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларига Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун маблағларни уларнинг бюджет маблағлари бўйича тегишли депозит ҳисобварақларига ўтказади.

Ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотлари бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича харажатларни тўлаш учун маблағларни тегишли ғазначилик ҳисобварағини кўрсатган ҳолда Ягона ғазначилик рақамига ўтказади¹.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган сиёсати жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган, аҳолининг барча қатламларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Мамлакатимизда самарали пенсия таъминоти тизимини яратиш ва такомиллаштиришнинг зарурий шарти пенсия маблағларининг мақсадли сарфланishi, самарали ғазначилик механизмини татбиқ этиш ҳисобланади. Бу борада бозор иқтисодиёти ривожланган етакчи мамлакатларининг тажрибасидан фойдаланиш, жаҳон фани ютуқларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 9 августдаги 47, 2011-25 ва 23/2-сонли қарорига Илова.

қўллай билиш муҳим дастаклардан бири-дир. Шу билан бирга, ҳозирги кунда пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашдаги масъу-

лиятини кучайтириш, маблағларнинг ўз вақтида шакллантирилиши ҳамда самарали йўналтирилиши каби масалаларнинг ҳал этилаётганлиги ушбу тизимнинг амалий мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-594-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 9 авгуstdаги 47, 2011-25 ва 23/2-сонли Қарорига Илова.
3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси миллий Қонунчилик базаси.
4. Қосимова Г. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2013.